

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.04.2021. Ped. 82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

ЖАББОРОВА ОНАХОН МАННАПОВНА

**БЎЛАЖАК ТАСВИРИЙ САЊАТ ЎҚИТУВЧИЛАРИ БАДИИЙ
ИДРОКИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
(аудиториядан ташқари машғулотлар мисолида)**

13.00.01- Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of the abstract of dissertation of the doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Жабборова Онахон Маннаповна

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчилари бадиий идрокини
ривожлантириш (аудиториядан ташқари машғулотлар мисолида)..... 3

Жабборова Онахон Маннаповна

Развитие художественного восприятия будущих учителей
изобразительного искусства (на примере внеаудиторных занятиях)..... 19

Jabborova Onaxon Mannopovna

"Development of artistic perception of future teachers of fine arts (in
extracurricular activities)" 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications..... 39

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.04.2021. Ped. 82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

ЖАББОРОВА ОНАХОН МАННАПОВНА

**БЎЛАЖАК ТАСВИРИЙ САНЪАТ ЎҚИТУВЧИЛАРИ БАДИИЙ
ИДРОКИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
(аудиториядан ташқари машғулотлар мисолида)**

13.00.01- Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Ped1066 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.cspi.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Мардонов Шукурулло Қўлдашевич педагогика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Абдуллаева Барно Сайфутдиновна педагогика фанлари доктори, профессор Махкамов Улфатджан Илхамович педагогика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Қўқон давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ҳузуридаги DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри Амир Темур кўчаси, 104-уй.) Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: cspi_kengash@umail.uz

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри Амир Темур кўчаси, 104-уй.) Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41;

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ кунни тарқатилди. (2021 йил «__» _____ да _____-рақамли реестр баённомаси).

С.Матчон
илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси ўринбосари,
ф.ф.д., проф.

Ф.У.Қодирова
илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
педагогика фанлари доктори (DSc)

У.Н.Хўжамқулов
илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси педагогика
фанлари доктори (DSc)

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда глобаллашув жараёнлари авж олган бугунги кунда талабалар ўртасида маънавий-ахлоқий кадриятларни ўзлаштиришга қизиқишнинг маълум даражада сусайиши ва аксинча, моддий фаровонликка интилиш омилининг кучайиши кузатилмоқда. Шу муносабат билан бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашда уларнинг бадий идроки механизмларини такомиллаштириш, миллий ва умуминсоний маънавий кадриятлар уйғунлигида касбий ва шахсий ижтимоийлаштириш технологияларини оптималлаштириш, интеллектуал-ижодий ва маънавий-эстетик идрокни таркиб топтириш моделлари ва ахборот-коммуникация технологиялари воситасида талабалар бадий идрокнинг шаклланганлик даражасини ташхис қилишнинг интегратив тизимини ишлаб чиқиш долзарблик касб этмоқда.

Дунё амалиётида таълимнинг янги парадигмаларига асосланиши бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг нафақат ўзини ўзи натижавий интеллектуал-ижодий, маънавий-эстетик ривожлантиришга инновацион ёндашувларни, балки ушбу жараёни таъминлашга имкон берувчи методологик асосларни ҳам такомиллаштиришни тақозо қилмоқда. Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг бадий иждоқорлик имкониятларини ривожлантиришга қаратилган ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий-педагогик шарт-шароитлар, илмий-методик таъминот ва ахборот-коммуникация муҳитини шакллантириш, таълимни комплекс бошқариш (Total quality management), ягона электрон тизим орқали талаба-педагог мулоқоти (Blended Learning), таълимнинг умумкасбий ва мутахассислик компетенцияларига асосланган интеллектуал тизимларини такомиллаштириш, замонавий дидактик воситалар асосида таълим олувчиларнинг креатив компетентлиги (ижодий тафаккур, бадий идрок мужассамлаштириш қобилияти)ни инновацион технологиялар воситасида ривожлантириш моҳиятини очиб беришда компетентли ёндашув имкониятларидан самарали фойдаланиш долзарблик касб этмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда таълим тизимининг ҳозирги босқичида таълим мазмуни ва методикасига, унинг сифат ва самарадорлигига янги талаблар қўйилмоқда. Шунингдек, “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”¹ устувор вазифа сифатида белгиланган. Компетентли ёндашув асосида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларида бадий идрокни ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш ҳамда инновацион фаолиятининг репродуктив, продуктив, қисман изланувчи ва креатив даражаларини пухта эгаллашлари учун

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4749-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. –Б.39.

педагогик шарт-шароит ва дидактик имкониятларни таъминлаш долзарблик касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг беш устувор йўнилиш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сон “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2020 йил 27 февралдаги ПҚ-4623-сон “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаларида, шунингдек, мазкур фаолиятга оид бошқа меъриий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи – ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган устувор йўналиши тадқиқотимизнинг илмий-методологик асоси бўлиб хизмат қилади. Бўлажак ўқитувчиларнинг маънавий салоҳият, бадиий идрок қилиш қобилиятини шакллантиришга қаратилган масалалар мамлакатимиз файласуф-олимлари Т.Махмудов, М.Нурматова, Б.Очилова, Г.Тилабова, Б.Хусанов, А.И. Буров, М.С. Каган, В.М. Разумный, С.Шермухаммедов, Э.Юсупов, М.Қаҳҳорова, О.Ғайбуллаевлар томонидан ўрганилган.

Социолог-олимлар Н.Алиқориев, А.Алимухаммедов, Ҳ.Ахмедова, М.Бекмуродов, А.Бегматовлар; маданиятшунос-тадқиқотчилар Ҳ.Абдуллаев, М.Абдуллаев, Х.Каримов, М.Мирюсупова, З.Собирова каби олимлар ўз илмий изланишларида муаммонинг ижтимоий-педагогик томонларини тадқиқ қилганлар.

Масаланинг ахлоқий, эстетик тарбия ва маданият, маънавий тарбия, бадиий идрок қилиш, маънавий-ахлоқий тарбия, ўқувчи-ёшлар маънавиятини шакллантиришнинг педагогик жиҳатлари С.Аннамуратова, Г.Баубекова, И.Ахмедов, Б.Бойметов, С.Булатов, Ж.Дарменов, А.Сулаймонов, Г.Ибрагимова, М.Имомова, З.Исмоилова, У.Махкамов, О.Мусурмонова, С.Нишонова, Н.Ортиқов, М.Очилов, Д.Рўзиева, С.Файзулина, Л.А. Венгер, О.И. Никофорова, Е.В. Квятковский, В.В. Давыдов, Г.С. Сухобская, Б.С.

Мейлах, Д.Шарипова, Н.Эгамбердиева, М.Курунов, Т.Курбонов, М.Ҳошимова каби олимларнинг ишларида ёритиб берилган.

Масаланинг психологик жиҳатлари М.Г.Давлетшин, Ш.Баротов, В.Каримова, Л.С.Выготский, А.Н. Леонтьев, В.М.Теплов, П.М. Якобсон, В.А.Крутецких, Е.А.Климов, Н.В.Кузьмина, Р.Суннатова, Ғ.Шоумаров, Э.Ғозиевларнинг илмий изланишларида ўрганилган, аммо бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг бадиий идрок этиш жараёни илмий-тадқиқот объекти бўлган эмас.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-2017-0927124 “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” мавзусидаги фундаментал (2017-2018 йй) ҳамда ЁО-А1-009 “Олий таълим муассасаларидаги фанларни ўқитишнинг методик системасини ишлаб чиқиш ва шу асосида инновацион электрон ўқув-услубий мажмуани яратиш” амалий лойиҳалари (2017-2018 йй) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларида бадиий идрокни ривожлантириш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларида бадиий идрокни ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари ва диагностик мезонларини аниқлаштириш;

аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларида бадиий идрокни ривожлантириш технологиясини такомиллаштириш;

бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларида бадиий идрокни ривожлантиришнинг дидактик таъминотини ишлаб чиқиш;

бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларида бадиий идрокни ривожлантиришнинг педагогик имкониятларини аниқлаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларида бадиий идрокни ривожлантириш жараёни, усуллари ва воситалари белгиланиб, тажриба-синов жараёнида ГулДУ, ТерДУ ва ЖДПИ, ТВЧДПИдан 300 нафар талаба иштирок этди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг бадиий идрокни ривожлантиришнинг шакл, метод ва воситалари танланди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида педагогик кузатув, қиёсий таҳлил, тажриба-синов, педагогик мониторинг, моделлаштириш, сўровнома, тест, математик-статистик таҳлил каби тадқиқот ва таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

таълим жараёни компонентлари узвийлиги асосида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг креатив тафаккур ва бадиий идрокни

ривожлантиришнинг ҳиссий, иродавий, интеллектуал, мотивацион каби психологик-педагогик хусусиятлари ҳамда фаоллик, ривожланганлик, сабабийлик, натижавийлик каби диагностик мезонлари давлат таълим стандартлари ва малака талабларини интеграциялаш асосида аниқлаштирилган;

компонентли ва анъанавий ёндашувларни қиёслаш асосида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг касбий-педагогик ижодкорлиги ҳамда бадиий идрокни ривожлантириш тизимининг педагогик имкониятлари (касбий фаолиятга амалий тайёрлаш ва ижодий йўналтириш) касбий қадриятлар (шахсий, касбий ва хусусий компетенциялар)ни аудиториядан ташқари машғулотлар мазмунига оптималлаштириш асосида аниқлаштирилган;

бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг бадиий идрок тизимини ривожлантиришнинг дидактик таъминоти ишбилармонлик ўйинлари (тадқиқотчилик вазиятлари, турли педагогик вазиятларни моделлаштириш); амалий ишлар танлови, тренинглар (гуруҳий мулоқот, шахслараро муносабатларни моделлаштириш) каби метод ва интерфаол усуллар интеграцияси асосида такомиллаштирилган;

бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг педагогик касбига компонентли йўналганлигини таркиб топтиришнинг креатив фикрлашга асосланган қадриятлар тизими, шахслараро муносабат ва шахсий-касбий ривожланишидаги ўзгаришларни акс эттирувчи ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этишга доир мослашувчан, иқтидорни аниқлашга йўналтирилган муаллифлик методикаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бўлажак тасвирий санъат ўқитувчилари бадиий идрокни ривожлантириш тизимини такомиллаштириш педагогик-психологик зарурият эканлиги асосланган;

бўлажак тасвирий санъат ўқитувчилари бадиий идрокни ривожлантиришнинг янги типологик ўқув режаси, дастури ва ўқув адабиётларини такомиллаштиришга доир методик материаллар шакллантирилган;

“Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчилари бадиий идрокни ривожлантириш (аудиториядан ташқари машғулотлар мисолида)” махсус курси дастури ишлаб чиқилиб, тажриба-синовдан ўтказилган;

“Аудиториядан ташқари машғулотларда бўлажак ўқитувчилар бадиий идрокни шакллантириш” ўқув-услубий қўлланмаси яратилган, тажриба-синовдан ўтказилган ва амалиётга жорий этилган;

“Бўлажак ўқитувчиларнинг бадиий идрокни шакллантириш” монографияси нашр этилган;

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитиладиган “Тасвирий санъат ўқитиш методикаси” мутахассислик фани дарсликларини такомиллаштиришга доир методологик ва назарий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги диалектиканинг билиш назарияси ҳамда педагогика таълими соҳасидаги республика ва хорижий давлатлар олимлари, шунингдек, амалиётчиларнинг ишларига асосланганлиги, тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; тажриба-синов ишларининг таҳлили ва тадқиқот натижаларининг миқдор ва сифат жиҳатидан таъминланганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга татбиқ қилинганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти аудиториядан ташқари машғулотларда бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг бадиий идрокини шакллантириш муаммоси илк бор тадқиқ этилганлиги, мазкур муаммонинг илмий-назарий масалалари таҳлил қилинганлиги ва методик тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий педагогик таълим жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг бадиий идрокини аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида ривожлантиришнинг педагогик механизмлари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларида бадиий идрокни ривожлантириш бўйича олинган натижалар асосида:

таълим жараёни компонентлари узвийлиги асосида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг креатив тафаккур ва бадиий идрокини шакллантиришнинг психологик-педагогик хусусиятлари (ҳиссий, иродавий, интеллектуал, мотивациявий) ҳамда диагностик мезонлари (фаоллик, ривожланганлик, сабабийлик, натижавийлик)ни аниқлашга доир таклиф ва тавсиялар “Узстандарт” агентлигининг 2015 йил 15 февралдаги 2-540-сон қарори билан тасдиқланган бакалавриат таълим йўналишларининг давлат таълим стандарти мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 24 январдаги 89-03-297-сон маълумотномаси). Натижада мазкур таклиф ва тавсиялардан касбий таълим мазмунини модернизациялаш асосида такомиллаштирилган ўқув дастурлари, дарсликлар, методик қўлланмалар ишлаб чиқишда фойдаланилган;

компонентли ва анъанавий ёндашувларни қиёслаш асосида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг касбий-педагогик ижодкорлиги ҳамда бадиий идрокини ривожлантириш тизимининг тузилмавий компонентларини аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ЁО-А1-009 “Олий таълим муассасаларидаги фанларни ўқитишнинг методик системасини ишлаб чиқиш ва шу асосида инновацион электрон ўқув-услубий мажмуани яратиш” инновацион тадқиқот лойиҳаси мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 24 январдаги 89-03-297-сон маълумотномаси). Натижада таълим мазмуни

такомиллаштирилган ҳамда тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси таълим йўналиши талабаларининг билим ва кўникмалари ошган;

инновацион таълим технологиялари ва илғор хорижий тажрибалар асосида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг бадий идрок тизимини ривожлантиришнинг дидактик таъминотини ишбилармонлик ўйинлари (тадқиқотчилик вазиятлари, турли педагогик вазиятларни моделлаштириш) каби метод ва усулларни такомиллаштириш бўйича таклифлар “Аудиториядан ташқари машғулотларда бўлажак ўқитувчилар бадий идрокини шакллантириш” ўқув қўлланмаси мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 24 январдаги 89-03-297-сон маълумотномаси). Натижада бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини тайёрлаш сифат ва самарадорлигининг ошишига хизмат қилган;

бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларида педагогик касбига компонентли йўналганликни таркиб топтиришнинг кадриятлар тизими, шахслараро муносабат ва шахсий-касбий ривожланишдаги ўзгаришларни акс эттирувчи ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил этишга доир муаллифлик методикаси ПЗ-2017-0927124 “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” ҳамда ЁО-А1-009 “Олий таълим муассасаларидаги фанларни ўқитишнинг методик системасини ишлаб чиқиш ва шу асосида инновацион электрон ўқув-услугий мажмуани яратиш” инновацион лойиҳалари доирасида талабаларнинг бадий идрокни даражасини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 24 январдаги 89-03-297-сон маълумотномаси). Натижада бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларида бадий идрокни ривожлантириш диагностикасини амалга ошириш методикаси мазмуни такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 13 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та илмий мақола, шундан, 6 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, 6 параграф, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 136 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, жамиятнинг ривожланиш босқичларида эстетик маданиятни шакллантиришнинг муҳим ва долзарблиги кўрсатилган, муаммонинг

ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларида бадий идрокни ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган бўлиб, бадий идрокнинг мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари ҳамда бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларида бадий идрок этишни шакллантиришнинг ҳозирги ҳолати таҳлил этилган.

Бадий идрок тасвирий санъат асарини тушуниш, ҳис этиш, унинг ғоявий мазмунини таҳлил қилиш ва асардаги компонентларни тасаввур қилмоқликдир. Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг бадий идроки деганда биз ана шу ёндашувдан келиб чиқамиз.

Бадий идрок муаммоси ижтимоий-гуманитар фанларга оид тадқиқотларда ўрганилган. Уларда муаммонинг эстетик, фалсафий ва бадий жиҳатларига асосий эътибор қаратилган. Мазкур масалалар диссертациянинг биринчи боби биринчи параграфида таҳлил этилган ва тегишли маълумотлар батафсил тақдим қилинган.

Диссертациянинг биринчи боби иккинчи парагрифида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларида бадий идрок этишни шакллантиришнинг бугунги ҳолати таҳлил этилган. Мазкур масалани ўрганиш жараёни шуни кўрсатдики, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларида бадий идрок муайян даражада шаклланган деб қаралади ва олий педагогик таълим жараёнида бадий идрокни кутилган даражада шакллантириш масаласига деярли эътибор қилинмайди.

Диссертациянинг биринчи бобида ана шу масалалар юзасидан қуйидагича йўналтирувчи хулосаларга келинди:

- бадий идрок этиш лаёқати ва қобилияти - шахсни ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади, унда бадий тафаккур алоҳида аҳамиятга эга. Бадий-таҳлилий тафаккурга бадий идрок этишнинг асосий компоненти, унинг муҳим томони сифатида қараш зарур;

- бадий идрок этиш масалаларини ҳал қилиш тамойилларини аниқлаш, умумий тафаккур, хусусан, бадий тафаккур тушунчасининг мазмуни, шакл ва турларини аниқлаш лозим;

- педагогика йўналишидаги олий таълим муассасалари амалиётида муаммони ўрганиш ва таҳлил қилиш, унинг долзарблигини аниқлашга уринишлар мавжуд, бироқ бу вазифа, айниқса, тасвирий санъатни аудиториядан ташқари шароитларда ўрганиш бўйича дастурлар, ўқув-методик материалларнинг йўқлиги сабабли муаммони ҳал қилиш қийинлашяётганлигини кўрсатди. Бунинг натижасида ўқитувчилар қатор психологик-педагогик қийинчиликлар, методик жиҳатдан камчиликларга йўл қўймоқдалар. Натижада бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг санъат асарларини идрок этиш даражалари пасайганлиги, умуман, бадий идрок

этиш маданияти, хусусан, уларнинг ижодий-тахлилий бадий тафаккури ривожланмаганлиги кузатилади;

- олий таълим муассасаларида муаммонинг ҳозирги ҳолати талабаларнинг маънавий-эстетик ва шахсий ривожланишига, касбий тайёргарлик даражаларига салбий таъсир кўрсатади;

- педагогика олий таълим муассасаларида умумий ҳолатнинг салбий бўлишига қарамасдан баъзи тасвирий санъат тарихи ва назарияси ўқитувчилари амалиётларида бадий идрок этишни ривожлантиришга қаратилган педагогик самарали психологик-педагогик, назарий-амалий ёндашувлар мавжудлиги аниқланди;

- бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларида бадий идрок этишни ривожлантириш муаммоси долзарб, назарий зарур ва педагогик олий таълим муассасаларида амалий талабга эга;

- педагогика олий таълим муассасалари талабалари–бўлажак тасвирий санъат ўқитувчилари мактабларда бадий идрокни ривожлантириш истаги, талаби ва касбий-шахсий эҳтиёжга эга;

- тадқиқ этилаётган муаммо таълимни талаба-ёшларнинг шахсини маънавий-эстетик такомиллаштиришга йўналтирилган ҳамда катта ижтимоий-педагогик аҳамиятга эга.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларида бадий идрокни ривожлантиришнинг шарт-шароитлари”** деб номланган бўлиб, унда бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларида бадий идрокни ривожлантиришнинг педагогик-психологик омиллари ва аудиториядан ташқари машғулотларда бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларида бадий идрокни ривожлантириш воситалари масалалари тадқиқ этилди.

Мазкур масалалар педагогик таълимотлар тарихи, педагог-психолог олимларимизнинг назарий қарашлари, эмпирик материаллар ва маълумотлар асосида таҳлил қилинди. Бунинг натижасида олий педагогик таълим жараёнида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг бадий идрокни ривожлантириш бўйича етарли даражада педагогик-психологик шарт-шароитлар ўрганилди. Мазкур шарт-шароитлар технологик ва методологик асосларга эгаллиги далиллаб берилди.

Шунингдек, аудиториядан ташқари машғулотларда бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларида бадий идрокни ривожлантириш воситалари, “Тасвирий санъат тарихи” ўқув курси дастури мазмуни, ўқув материални чуқурлаштириш ва кенгайтириш масалаларига қаратилган аудиториядан ташқари машғулотлар дастури бўлажак ўқитувчиларнинг тасвирий санъат тўғрисидаги билимларини бойитишларида бадий идрокни ривожлантиришга йўналтиради. Тасвирий санъат тарихи, назарияси ва ижодкорлик идрок этиш амалиётида чуқур ўрганилади. Шунингдек, Ўзбекистон санъати тарихи, унинг ўзига хосликлари ва хусусиятлари, рассомлар ҳаётидан қизиқарли ҳодисалар, асарлар тарихи ўрганилади. Талабаларнинг Ўзбекистон тасвирий санъати соҳасидаги билимлари кенгайтирилади, бадий идрок этиш бўйича билимларидан педагогик

амалиётда фойдаланиш мақсадида бадий идрок этиш асослари ўрганилади. Мустақил бадий билим олиш, тасвирий санъат асарларини идрок этиш бўйича эгаллаган билим, кўникма ва малакаларидан санъатнинг бошқа турларини ўзлаштиришда фойдаланиш тўғрисида суҳбатлар ўтказилади. Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларида бадий идрокни ривожлантириш педагогик жараёни ишлаб чиқилади (2.1-жадвалга қаранг).

2.1-жадвал

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг аудиториядан ташқари машғулотларда бадий идрокни ривожлантиришнинг педагогик жараёни

№	МАЗМУНИ
1.	Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг касбий-шахсий мотивацион йўналишдаги психологик-педагогик қизиқишлари.
2.	Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг тасвирий санъат соҳасидаги бадий идрок этиш бўйича билимларини кенгайтириш. Тасвирий санъат бўйича ўқув материални бойитиш.
3.	Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларида бадий идрокни ривожлантириш. Бадий идрок этиш асослари бўйича зарур билимларни эгаллаш. Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини бадий идрокка ўргатиш.
4.	Бадий идрокни мураккаблаштириш. Мураккаблаштирилган бадий идрокнинг назарий жиҳатларини ўзлаштириш. Тасвирий санъат асарларининг ўзаро алоқаларини кўриб чиқиш. Тасвирий санъат асарларини ўзаро алоқадорликда комплекс идрок этиш амалиёти.
5.	Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг бадий идрокларини такомиллаштириш.
6.	Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг ижодий ҳисоботлари.
7.	Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг бадий идрокни янада такомиллаштириш истиқболларини очиб бериш билан натижаларни таҳлил қилиш.
8.	Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг олган билим, кўникма ва малакаларини санъатнинг бошқа турлари асарларини идрок этишга, бўлажак ўқув-тарбиявий ишларга кўчиришга уринишлари.
9.	Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларида бадий идрокни ривожлантириш яқунлари.

Диссертациянинг иккинчи боби бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:
- бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларида аудиториядан ташқари вақтда бадий идрокни ривожлантириш муаммосини ҳал қилиш психологик жиҳатларини ўрганиб чиқиш ва унинг педагогик асосларини ишлаб чиқишни талаб қилади;

- ўрганилаётган муаммонинг психологик жиҳатлари, бадий идрок этиш, тафаккурда эришиладиган даража мезоналарини ҳисобга олиб, тасвирий санъат асарларини бадий-таҳлилий ўрганиш моделини яратишни тақозо қилади;

- бадий идрок этишнинг психологик-педагогик асосларида талабаларда бадий идрокни ривожлантириш учун унинг энг қулай шароитларни кўриб чиқиш муҳим. Психологик асослари - ушбу жараённинг эмоционал томони, тафаккурни фаоллаштирувчи бадий-таҳлилий тафаккурни ривожлантирувчи жиҳатларини талабанинг ёши, индивидуал ва типологик хусусиятларини; тасвирий санъат асарини идрок этишда ижодий, бадий-таҳлилий тафаккурнинг юқори даражасига асос бўлувчи ассоциатив каби индивидуал-психологик омилини; педагогик таъсир кўрсатиш учун психологик асос сифатида бадий идрок этишнинг ҳиссий томонини; чуқур ва яхлит бадий идрок этишнинг психологик омилларини кўриб чиқиб, таҳлил қилиш;

- ўрганилаётган муаммонинг педагогик асослари қуйидагилар: талабаларнинг бадий идрокини ривожлантириш бўйича аниқ амалий ишлар тизими, мазмуни ва педагогикаси; бадий-таҳлилий тафаккурни фаоллаштириш; бадий идрок этиш объектларини танлаш талаблари; бадий идрок этишнинг йўналтирилганлиги; идрок этишнинг мақсад, вазифа ва масалалари; талабаларнинг бадий идрокларни ривожлантиришга йўналтирилган аниқ педагогик жараённинг асосий тизимли компонентлари; бадий идрок этиш-таҳлил қилиш жараёнини яхшиловчи шартлар; бадий идрок этишнинг тизими, тартиби, мантиқи ва босқичлилиги; умумпедагогик ва аниқ методик тавсиялар ва кўрсатмалар; талабаларнинг бадий идрокларини такомиллаштиришнинг рационал йўл, метод, восита ва шароитларига эътиборни кучайтириш зарур;

- бадий идрок этиш, таҳлил қилиш жараёнида талабаларнинг, касбий-шахсий томонларига психологик-педагогик таъсир кўрсатиш, самарали йўллари аниқлаш асосий вазифа эканлигини эсдан чиқармаслик керак. Шунинг учун бўлажак ўқитувчилар шахсига ҳар томонлама таъсир кўрсатишни ҳисобга олиб, аниқ шароит, кўзланган педагогик вазиятларни яратиш, ўқув-тарбиявий жараённи ўзгартириш даркор;

- тадқиқотнинг педагогик йўналганлигининг ҳиссий томонига таянувчи мантиқий жараёнлар ёрдамида тасвирий санъат асарларининг ғоявий-бадий, эстетик аҳамияти, маънавий кучини очиқ бериш мақсадини кўзлайди. Шу билан бирга Ўзбекистон бадий санъати асарлари хусусиятларига катта эътибор қаратилиши муҳим ҳисобланади;

- тасвирий санъат асарларини бадий идрок этишни такомиллаштиришда кўрсатма асосий ҳисобланиб, талабаларга маънавий-эстетик таъсир кўрсатиш, бадий идрок этиш - таҳлил қилишнинг хусусияти ҳисобланишини эсда тутиш керак;

- тасвирий санъат ўрганиладиган аудиториядан ташқари машғулотлар раҳбарлари талабаларнинг бадий идрок этишлари муаммосини педагогик тўғри қўйишлари ва ҳал қилишлари, уларни тасвирий санъат асарларини

бадий таҳлил қилиш, ўзлаштиришга тўғри баҳо беришларини такомиллаштиришга йўналтиришлари лозим;

- назарий, психологик ва педагогик қоидаларни ишлаб чиқиш асосида ўрганилаётган жараёни такомиллаштириш, тасвирий санъат асарларини идрок этиш - таҳлил қилишда талабаларнинг бадий идрокларини фаоллаштириш йўллари ва шартлари ҳамда ушбу жараёнда бадий-таҳлилий тафаккурни жадаллаштиришнинг қатор метод ва усуллари такомиллаштирилди.

Диссертациянинг **“Педагогик тажриба-синов ишлари ва уларнинг натижалари”** деб номланган учинчи бобда бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларида бадий идрок этишни ривожлантиришнинг мазмуни, жараёни, шакллари, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг бадий идрок этишларини такомиллаштириш амалиёти бўйича тажриба-синов ишлари ва уларнинг натижалари ёритилган.

Тажриба-синов ишларининг дастлабки *таъхис ва баъорат қилиш босқичи*да маъруза-суҳбат, тушунтириш, намойиш этиш усулларида фойдаланилди. Жумладан, “Ўзбекистон тасвирий санъати - рангтасвирнинг ажойиб олами. Унинг ҳаётдаги роли”, “Тасвирий санъат ўқитувчисининг бадий идроки. Унинг ижтимоий-педагогик аҳамияти”.

II босқич - асосий шакллантирувчи босқичда, талабаларнинг тасвирий санъат-рангтасвирни бадий идрок этиш бўйича билимларини кенгайтириш (ўқув материални бойитиш); талабалар - бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг бадий идрок этиш-рангтасвир асослари бўйича зарур билимларни эгаллашлари учун солиштириш, таққослаш, сабаб-оқибатли боғлиқлари аниқланди.

Рассомчиликда бадий идрок этиш - бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг ўзлаштиришлари; рангтасвир асарларини бадий идрок этиш бўйича кўргазмали мисоллар (намуналар) билан таништириш масалалари кўриб чиқилди.

Тажриба-синов ишларининг III якуний босқичида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг бадий идрок этиш натижалари таҳлил қилинди ҳамда маълум ҳаётий вазиятларда зарур бўлган бадий идрок этиш маданиятини такомиллаштириш ҳамда кейинги истиқболларини очиб бериш, назарий қоидалар ва амалий натижалар юзасидан тегишли хулосалар чиқарилди ва тавсиялар берилди.

Тажриба-синов ишлари 2017-2020 йилларда Жиззах давлат педагогика институти, Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти, Гулистон давлат университети ва Термиз давлат университетларида ўтказилган.


Тажриба жараёнида кузатилган ҳар бир дарс натижаси тўлиқ таҳлил қилинди. Миқдорий таҳлилнинг ОТМлар бўйича умумий натижаси келтирилган (3.1.-жадвалга қаранг).

ОТМларда ўтказилган тажриба-синов ишлари таҳлилининг умумий натижаси

3.1.-жадвал

	Яқуний босқичда N _T = 319			Таъкидловчи босқичда N _H = 319		
Ўзлаштириш даражалари	3	2	1	3	2	1
Баҳолар сони	71	64	15	50	61	39
Баҳоларнинг ўрта арифметик қиймати	$X^*_T=2,37$			$X^*_H=2,07$		
Самарадорлик коэффиценти	$\eta=X^*_T/X^*_H=1,14$					
X нинг ишончлилик эҳтимоли оралиғи	$192,27 < X^*_H < 2,47$			$1,95 < X^*_T < 2,19$		
Критерий хулосаси	$X^2_{n,m} = 14,38 > 6$ бўлиб, H ₁ қабул қилинди.					

Ўтказилган педагогик тажрибалардан олинган натижаларнинг умумий статистик таҳлили диаграммаси 1-расмда тасвирланган.



1-расм. Педагогик тажрибанинг умумий статистик таҳлил диаграммаси

Юқоридагиларга асосланиб, олинган ўзлаштириш самарадорлиги 1 дан катта эканлигини ($\eta=1,14>1$) кўриш мумкин. Бундан $\alpha=0,05$ қийматдорлик даражаси билан айтиш мумкинки, яқуний босқичдаги ўртача баҳо таъкидловчи босқичдаги ўртача баҳодан юқори ва оралиқ интерваллари устма-уст тушмаяпти. Бундан математик-статистик таҳлилга асосан натижага эришилганини кўрсатади.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларида бадиий идрок этишнинг шаклланганлик даражаси самарадорлигини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадор эканлигини кўрсатади. Тажриба-синов ишлари натижалари математик статистика методи орқали аниқланди. Бунда Стьюдент Фишер мезонидан фойдаланилди.

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

“Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчилари бадиий идрокни ривожлантириш (аудиториядан ташқари машғулотлар мисолида)” мавзусини тадқиқ этиш асосида қуйидаги умумий хулосаларга келинди:

1. Тадқиқотда замонавий методологик манбалар тегишли давлат таълим сиёсати қоидалари ва олий таълим амалиётидаги ҳолатларини таҳлил қилиш асосида бадиий идрок этишнинг педагогик-психологик жиҳатлари асослаб берилди.

2. Муаммонинг бадиий идрокни ривожлантириш дастури бўйича аудиториядан ташқари машғулотларнинг устиворлиги унинг моҳияти, хусусиятлари, ўзига хосликлари, ижтимоий-педагогик аҳамиятга эга эканлиги, назарий-амалий кўрсатмалари зарурлиги асосланди.

3. Бадиий идрок этишнинг мезонлари, алгоритмлари, психологик-педагогик жиҳатларини такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқилди ҳамда педагогик тамойиллар, омиллар муаммони тўғри ҳал қилиш қонуниятлари эканлиги аниқланди.

4. Олий таълим муассасалари тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси йўналиши битирувчиларининг бўлажак педагогик, интеллектуал-ижодий фаолияти ва ўзини ўзи ривожлантиришининг коммуникатив даражаларида ижтимоийлаштирилишнинг зарур бўлган интеллектуал-ижодий ва методик мазмуни тажриба асосида синовдан ўтказилди.

5. Тадқиқот натижалари бўйича олий таълим муассасалари ўқитувчилари учун тасвирий санъат ҳамда бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларида бадиий идрокни ривожлантириш, ундан келгуси педагогик фаолиятида фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди. бадиий идрок этиш модели муаммони ҳал қилишнинг тизимли-амалий томонлари эканлиги асосланди.

6. Тадқиқот ишининг тажриба дастури асосида бўлажак ўқитувчиларда касбий-шахсий сифатларни ривожлантириш, бадиий-эстетик тафаккур, мулоҳаза, баҳолаш мантиқи, интеллектуал-ижодий ривожланиш, ўзини намоён қилиш, ўзини баҳолаш ижтимоий-коммуникатив эҳтиёжи, кадрларни касбий-шахсий тайёрлашни такомиллаштиришнинг муҳим омили эканлиги илмий асосланди.

Тадқиқот хулосалари асосида қуйидаги таклифлар такдим этилади:

1. Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларнинг бадиий идрокни олий педагогик таълим жараёнида ривожлантиришнинг методологик асосларини аниқлаштириш.

2. Аудиториядан ташқари машғулотларда бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг бадиий идрокни ривожлантиришга ахборот коммуникация технологияларини жалб қилиш.

3. Аудиториядан ташқари машғулотларда электрон таълим ресурсларини яратиш малакасини ривожлантириш имконини берувчи моддий-техник базани мустаҳкамлаш чора-тадбирларини белгилаш.

4. Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг бадиий идрокини ривожлантиришда уларнинг ижодкорлик кўникмасини таркиб топтириш бўйича маҳорат дарслари ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ЧИРЧИКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ**

**ЧИРЧИКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ**

ЖАББОРОВА ОНАХОН МАННАПОВНА

**РАЗВИТИЕ ХУДОЖЕСТВЕННОГО ВОСПРИЯТИЯ БУДУЩИХ
УЧИТЕЛЕЙ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОГО ИСКУССТВА
(на примере внеаудиторных занятий)**

13.00.01- Теория педагогики. История педагогических учений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Чирчик – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2020.3.PhD/Ped1066

Диссертация выполнена в Чирчикском государственном педагогическом институте Ташкентской области.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице научного совета (www.cspi.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: **Мардонов Шукурулло Қўлдашевич**
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Абдуллаева Барно Сайфутдиновна**
доктор педагогических наук, профессор
Махкамов Улфатджан Илхамович
доктор педагогических наук, профессор

Ведущая организация: **Кокандский государственный педагогический институт**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2021 года в _____ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01 при Чирчикском государственном педагогическом институте Ташкентской области (Адрес: 111720, Ташкентская область, г. Чирчик, ул. Амира Темура, дом-104). Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: cspi_kengash@umail.uz

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Чирчикского государственного педагогического института Ташкентской области (зарегистрирована под номером ____). Адрес: 111720, Ташкентская область, г. Чирчик, ул. Амира Темура, дом-104. Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41;

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2021 года. (протокол реестра № _____ от «__» _____ 2021 года).

С.Матчон
заместитель председателя научного
совета по присуждению ученых
степеней д.ф.н., проф.

Ф.У.Кадирова
ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.п.н. (DSc)

У.Н.Ходжамкулов
председатель научного семинара
при научном совете по
присуждению ученых степеней,
д.п.н. (DSc)

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире в период глобализации наблюдается определенное снижение интереса к приобретению духовных и моральных ценностей среди студентов и, наоборот, увеличение стремления к материальному благополучию. В связи с этим совершенствование механизмов художественного познания при подготовке будущих учителей изобразительного искусства к профессиональной деятельности, оптимизация технологий профессиональной и личностной социализации в гармонии национальных и общечеловеческих духовных ценностей, разработка интегративной системы диагностики уровня развития художественного познания студентов посредством моделей интеллектуально-творческого и духовно-эстетического восприятия и информационно-коммуникационных технологий приобретают актуальность.

Тот факт, что мировой опыт основан на новых парадигмах образования, требует у будущих учителей изобразительного искусства не только инновационных подходов к самопродуктивному интеллектуально-творческому, духовно-эстетическому развитию, но и совершенствования методологической базы, обеспечивающей этот процесс. Эффективное использование возможностей компетентного подхода приобретает актуальность при раскрытии сущности развития социально-экономических и организационно-педагогических условий, научно-методического обеспечения и информационно-коммуникационной среды, направленных на развитие творческого потенциала будущих учителей изобразительного искусства, комплексного управления образованием (Total quality management), усовершенствования коммуникации студента и преподавателя через единую электронную систему (Blended Learning), интеллектуальных систем, основанных на общепрофессиональных и специальных компетенциях образования, творческой компетентности студентов на основе современного дидактического инструментария (умение сочетать творческое мышление, художественное восприятие) посредством инновационных технологий.

На современном этапе системы образования нашей страны в последние годы предъявляются новые требования к содержанию и методологии образования, его качеству и эффективности. Также, «Дальнейшее совершенствование системы непрерывного образования, продолжение политики подготовки высококвалифицированных кадров в соответствии с потребностями качественного образования»² определен в качестве приоритетной задачи. Основываясь на компетентном подходе, важно усовершенствовать технологии развития художественного восприятия у будущих учителей изобразительного искусства и обеспечить педагогическими условиями и дидактическими возможностями овладения

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4749-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. –Б.39.

репродуктивным, продуктивным, частично исследовательским и творческим уровнями инновационной деятельности.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит для выполнения задач, поставленных в указах Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям дальнейшего развития Республики Узбекистан», УП-5313 от 25 января 2018 года «О мерах по кардинальному совершенствованию системы общего среднего, среднего специального и профессионального образования», в постановлениях ПП-2909 от 20 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», ПП-3775 от 5 июня 2018 года «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших учебных заведениях и обеспечению их активного участия в проводимых комплексных реформах в стране», ПП-4623 от 27 февраля 2020 года «О мерах развития сферы педагогического образования», а также Послании Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису от 24 января 2020 года, в том числе в других нормативных правовых актах, связанных с этой деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в стране. Данное исследование проводилось в рамках приоритетного направления развития науки и техники республики I. «Пути формирования и реализации системы инновационных идей при социальном, правовом, экономическом, духовно-нравственном и культурном развитии информационного общества и демократического государства».

Степень изученности проблемы. Четвертое приоритетное направление Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан - развитие социальной сферы - служит научной и методологической основой нашего исследования. Задачи, направленные на формирование духовных способностей, умений художественного восприятия у будущих учителей, изучены нашими учеными-философами Т.Махмудовым, М.Нурматовой, Б.Очиловой, Г.Тилабовой, Б.Хусановым, А.И. Буровым, М.С. Каганом, В.М. Разумным, С.Шермухаммедовым, Э.Юсуповым, М.Каххоровой, О.Гайбуллаевым.

Такие ученые-социологи, как Н.Аликориев, А.Алимухаммедов, Х.Ахмедова, М.Бекмуродов, А.Бегматов; ученые исследователи-культурологи, Х.Абдуллаев, М.Абдуллаев, Х.Каримов, М.Мирюсупова, З.Собирова в своих научных исследованиях изучали социально-педагогические аспекты проблемы.

Педагогические аспекты нравственного, эстетического воспитания и культуры, духовного воспитания, художественного восприятия, духовно-нравственного воспитания, формирования культуры студентов-молодежи были изучены С.Аннамуратовой, Г.Баубековой, И.Ахмедовым, Б.Бойметовым, С.Булатовым, Ж.Дарменовым, А.Сулаймоновым, Г.Ибрагимовой, М.Имомовой, З.Исмоиловой, У.Махкамовым, О.Мусурмоновой, С.Нишоновой, Н.Ортиковым, М.Очиловым, Д.Рузиевой, С.Файзулиной, Л.А. Венгером, О.И. Никофоровой, Е.В. Квятковским, В.В. Давыдовым, Г.С.

Сухобской, Б.С. Мейлах, Д.Шариповой, Н.Эгамбердиевой, М.Куроной, Т.Курбоновым, М.Хошимовой.

Психологические аспекты проблемы были изучены М.Г.Давлетшиным, Ш.Баротовым, В.Каримовой, Л.С.Выготским, А.Н. Леонтьевым, В.М. Тепловым, П.М. Якобсоном, В.А.Крутецким, Е.А.Климовым, Н.В. Кузьминой, Р.Суннатовой, Г.Шоумаровым, Э.Газиевым, однако процесс художественного восприятия будущих учителей изобразительного искусства не являлся объектом исследования.

Связь диссертационного исследования с планом исследовательских работ высшего учебного заведения, где была выполнена диссертация. Исследование диссертации проводилось в рамках фундаментального проекта ПЗ-2017-0927124 “Развитие педагогической деятельности на основе сотрудничества в образовательных учреждениях” (2017-2018гг) и практического проекта ЁО-А1-009 «Разработка методической системы обучения предметов в высших учебных заведениях и создание на ее основе инновационного электронного учебно-методического сборника» (2017-2018гг) плана исследовательских работ Чирчикского государственного педагогического института Ташкентской области.

